

---

## Яна бир замонавий таълим муассасаси фойдаланишга топширилди

Таълим муассасаларини замон талаби асосида таъмирлаш, ёшларга кенг имконият яратиш мақсадида Фурқат туманидаги таълим муассасалари учун 2023 йилда давлат дастури асосида қурилиш -таъмирлаш ишларига жами, 14 млрд 170 млн сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Жумладан, 8-сонли умумий ўрта таълим мактабига Инвестиция дастури доирасида қўшимча 540 ўринли ўқув биноси ҳамда 12х24 хажмдаги янги спорт зал қуриб битказилди. Лойиҳа бўйича 7 млрд 387 млн сўм маблағ ажратилиб, ўқувчилар учун қулай таълим муҳити яратилди.

Қурилиш-таъмирлаш ишлари “Мирзосаодат” МЧЖ томонидан сифатли амалга оширилди.

Шунингдек, ўқув хоналарига замонавий ўқув мебел жиҳозлари ва компьютер - техника воситалари олиб келиб, ўрнатилди.

Мактаб қуввати 2,4 коэффицентдан 1 коэффицентга туширилиб, дарсдан сўнг тўгараклар, қўшимча дарс машғулотлари олиб бориш учун имкониятлар яратилди. Мактабда мавжуд 180 ўринли ўқув биноси сақлаб қолиниб, у ерда ўқувчиларнинг соғлом овқатланишлари учун ошхона ҳамда ўқувчи ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш маркази ташкил этилди.

Бундан ташқари аввал хабар берганимиздек, тумандаги 12-сонли умумтаълим мактабига 360 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилмоқда. Жорий йилда Фурқат туманида 900 ўринли ўқувчи ўрни яратилади.

2023-10-30 17:00:39